



ҚАЛБГА ТУТАШ ОНА ТИЛИМ

Сўз мулкининг султони, буюк му-
тафаккир бобомизнинг тилга бўлган
эътибори, уни тигдан-да қудратли
куч эканлигини ифода этган шоир-
нинг ушбу мисраларини ўқир экан-
ман, ҳар гал бувимнинг ўкинч тўла
сўзлари ёдимга тушади.

“Кўчаларда, йиғинларда ҳатто
мактабда рус тилида сўзлашни
билмаганим учун кўп марта сукут
сақлашимга тўғри келган. Рус тили-
ни тушунмаганим учун ота-онам
сендек олий даргоҳларда ўқишим-
га йўл бермаган. Бир сафар “Тез
ёрдам”га кўнғироқ қилиб, “Ассалому
алайкум”, десам, русчада гапирмага-
ним учун гўшакни кўйиб кўйишган.
Иситмалаб турган боламини бағримга
босганча қолаверганман...”

Бобонг ҳайдовчилик ўқув кур-
сида русийзабон ўқитувчининг
саволига жавоб қайтара олмагани
учун ҳайдовчилик гувоҳномасини
ололмаган. Ва бир умр автома-
шина ҳайдашга бўлган ихлосини

*Беш асрким, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шеър.
Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер.*

сўндирган, орзусини армонга ай-
лантирган ўша муаллимни кечирмай
ўтиб кетди...”

Ҳеч қандай бежамасиз бу оддий
сўзларда инсон тақдирининг чи-
галликлари сувратланади, биргина
сукутда она тимизнинг кечаги афсус
ва армонли тарихи бўй кўрсатади.

Минг шукрки, бугун биз ўз она
тилимизда баралла сўзлай оламиз.
Қўлга қалам олиб, қалбадаги энг
соҳир туйғуларни ўз она тилимиз-
да иншо этамиз. Ҳаёт қувончлари,
ташвишлари ёхуд бир илинж би-
лан бирор ташкилотнинг эшигини
қоқсак, энг мушкул юмушимиз ҳам
бемалол ўз она тилимизда зумда
равон бўлади.

Оламнинг беғубор ранглари,
Ўзбекистон, Ватан, Она, китоб каби
сўзларнинг ҳар ҳарфини ҳавода
тасаввур этишдан тортиб уларнинг
моҳиятини ўзбек тилида бийрон-
бийрон сўзлаётган фарзандлари-
мизни кўриб қалбга бир ёруғлик

иниши ҳам рост. Бу ёруғлик эртанги кун ишончи, қувончидир. Чунки она тилида тили чиққан боланинг қалбида бу тилга бўлган меҳрни ҳеч қачон ўчириб ёки янгилаб бўлмайди. Тўғри, бугун тил билиш, тил ўрганиш – замон талаби. Халқ орасида кенг тарқалган “Тил билган, эл билади”

Тилга “она” сўзининг қўшилиши жон-жонимизга туташ, бутун борлиғимиз, ҳаётимиз ифодаси, аслида. Қайсики, инсон тил аталмиш ҳаётидан, борлиғидан воз кечса ёки айрилса, у дунёдаги энг ғариб ва кераксиз жон эмас, балки буюмга айланади. Бинобарин, ҳар бир инсоннинг



мақолининг моҳиятида ҳам интеллектуал салоҳиятни оширишдек эзгу бир мақсад мужассам.

Бугунги кунда билим уфқи кенг, ўқиб-ўрганишга иштиёқи баланд ёшларимиз жуда кўп.

Беш тилни мукамал эгаллаган бир талаба қизни яқиндан танийман. У ўзбек тилида шунчалар равон ва пурмаъно сўзлайдики, унинг фикратида ҳам, фитратида ҳам намоён бўладиган ўз она тилига садоқатни, қалб кўридаги эътибор ва эъзозни оддийгина таъриф тавсифга сиғдириш мушкул.

она тили ўз қалбига туташ бўлсин!

Зеро, зукко шоиримиз Абдулла Орипов ёзганидек:

*Минг йилларким, булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.*

*Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан!*

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
ўз мухбиримиз.**